Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 135 (7. 224) ◎ 1990 йил 15 июнь, жума ◎ Баҳоси 3 тийин

Тонгги рўзномаларда

◎ «СССР халқ депутатининг мақоми тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни ҳамда мазкур Қонунни кучга киритиш тартиби ҳақида СССР Олий Советининг қарори эълон қилинган.

◎ «Ўзбекистон ССР саноатининг 1990 йил январь—май ойларидаги иш якунлари тўғрисида» ва «1989 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати якунлари тўғрисида» Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг хабарлари берилган.

◎ СССР Олий Советининг мажлиси ҳақида, РСФСР Олий Советининг мажлислари ҳақида хабарлар эълон қилинган.

◎ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, меҳнаткашларининг редакцияларга йўллаган мактублари, чет эллардан олинган хабарлар берилган.

ТАДБИРКОРЛИК

● Тошкент тўқимачилари ишлаб чиқариш чиқиндиларини чиқитга чиқаришмади. Улар Франция, ГФР ва Голландия фирмаларига тароққа илиниб тўпланиб қолган 200 тонна тукни жўнатдилар. Бундай чиқиндилар илгари ахлатга ташлаб юборилардн. Бу тадбиркорлик комбинатга 250 минг доллар даромад келтирди. Бу маблағ электрон-ҳисоблаш техникаси ва чет элда тайёрланган ускуналар учун эҳтиёт қисмлар сотиб олишга сарфланди. Ҳозирнинг ўзидаёқ Тошкент тўқимачилик комбинатига Америкада ишлаб чиқарилган компьютерларнинг дастлабки туркуми келтирилди.

(ЎзТАГ).

СМОЛЕНСК ЖАНГ МАЙДОНЛАРИДАН

Смоленскдаги қонли жанглар бўлган майдонлардан топилган снаряд гильзалари, ўқ тешиб ўтган солдат каскалари, пулемёт қолдиқлари ва бошқа буюмлар Туркистон ҳарбий округи тарих музейининг янги кўргазмасини ташкил қилди. Уруш йилларидан қолган ёдгорликларни музейга тошкентлик мактаб ўқувчиси Костя Лисюк совға қилди. Яқин вақтгача у Смоленскда яшар ва бўш вақтларида ота-онаси билан бирга ҳанузгача дафн этилмаган совет солдатларининг қолдиқларини излаш билан шуғулланарди. Смоленск заминидаги шафқатсиз жангларда юзлаб туркистонлик жангчилар иштирок этишган. Музей экспонатлари уларнинг жасоратлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бир вақтлар жанглар бўлган жойларда қанчадан-қанча аскарлар ҳозиргача ҳам беному-нишон ётибди...

Яқин вақт ичида «Смоленск жанг майдонларидан» кўргазмаси янги ёдгорликлар билан тўлдирилади. Бу йил ёзда Смоленск заминида юзлаб кўнгиллилар билан бирга Ўзбекистондан борган отряд ҳам ҳалок бўлган солдатларни изламоқда. Ҳалок бўлганларнинг қолдиқларини кавлаб олишда уларга хизматини Смоленск яқинида ўтаётган ўзбекистонлик йигитлар ёрдамлашишмоқда.

Танишинг: КПСС XXVIII съезди делегати

ЯНА БИР МАСЪУЛИЯТЛИ ДОВОН

◎ Матбуот орқали ҳам, одамлар ўртасида ҳам кўп баҳсларга сабаб бўлаётган Коммунистик партия тақдири, обрўси КПСС XXVIII съездида ниҳоят ҳал қилувчи нуқтасини топадими! Жумҳуриятимиздан сайланган съезд вакилларининг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазалари қандай! Съезд коммунистлар фаолиятида нима ўзгариш ясаши мумкин! Жумҳуриятлар федерацияси КПСС учун ҳам тааллуқлими! Шу каби саволларимизга XXVIII съезд делегати, «Ташстройтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси 4-автокорхона ҳайдовчиси В. А. Крушельницкийдан жавоб олмоқчи бўлдик.

ВИКТОР Александрович ҳайдовчилик касбида 28 йилдан бери ишлаб келади. 1965 йилдан партия аъзоси. 1974 йилдан бошланғич партия ташкилотининг котиби. Ўзбекистон ССР халқ депутати, Чилонзор район, шаҳар ва вилоят партия конференцияларининг делегати. Мана қаршисида яна бир ўзи айтгандек масъулиятли довон турибди. Яъни бу коммунистлар юксак ишонч билдирган Бутуниттифоқ коммунистларининг анжумани чорак асрлик партия фаолиятига эга бўлган бу коммунистни ҳам энг аввало партия тақдири ўйлантиришини сезиб олиш қийин эмасди. Шунча йиллик котиблик фаолиятига эга бўлган Виктор Александровичдан 70-йиллар иши билан ҳозиргисининг ўртасидаги фарқли томонларни ҳам сўраб ўтдик.

— Одамлар кўп нарсага, айниқса партияга ишонардилар, — дейди у суҳбатининг бошида. — Сафимизга одамларни зўрлаб киритиш ёки шахсий манфаати учун партияга ўтиш сингари ҳоллар ўша йиллари айниқса кучайиб кетган эди. Ўз-ўзидан улар партияга ҳеч қандай наф келтирмадилар. Аксинча кўпроқ зарари бўлди. Бу зарар айниқса КПСС обрўсининг кескин тушиб кетишига замин тайёрлади.

Ўзим ҳайдовчи бўлганим учун ҳам, эрта-ю кеч ишчиларнинг орасидаман. Қачон, нимани қойил қилиб қўйдинг деган таъна-дашномларни тез-тез эшитиб тураман. Одамлар эҳтиёжи учун зарур бўлган оддий гугуртдан тортиб озиқ-овқат, қурилиш материалларининг танқислигини ҳам партия фаолияти билан, биз коммунистларнинг ишимиз сустлиги билан боғлайди. Бу умуман нотўғри демоқчи эмасман. Масалан, ишни эпламаган уч нафар коммунист КПСС дан кетиш учун ариза берди.

— 27 нафар коммунистларингиз орасида улардан ажралиш оғир эмасми! Қолдиришга уринмадингизми, умуман коммунистларнинг ҳозирги шароитда партиядан кетишини нима деб ўйлайсиз!

— Инсон сифатида яхши, ўз ишларининг билимдони. Коммунист сифатида эса қолоқ. Ҳозирги шароитда партиядан кетишларини нотўғри деб ҳисоблайман. Агар номигагина қандайдир манфаат учун сафимизга қўшилиб, энди кетаётган бўлсалар унда тўғри йўл тутганлар.

— Виктор Александрович, бошланғич партия ташкилотининг котиби сифатида ғоявий ишларни олиб борасиз. Қандай тўсиқларга дуч келасиз!

— Ягона муаммони таъкидлаган бўлардим. Бошланғич ташкилотлар билан юқори партия органларининг ҳалигача алоқаси яхшимаслигини. Шунча йиллик котиблик фаолиятимда бир марта вилоят партия комитетидан, яна бир марта район партия комитетидан вакиллар келишганини эслайман. У ҳам бўлса ҳисобот йиғилишида. Оддий иш кунлари ёки доимий йиғилишларимизда бирорта раҳбар орган вакиллари қатнашмайди. Бу менимча масалага бир томонлама қараш.

— Ҳокимиятнинг Советлар қўлига ўтиши ҳақида ҳозир ҳам илгаригидек гап бўлаяпти. Автокорхонангиз ишчилари ўз кундалигида ана шу ҳокимиятни ҳис қиляптиларми!

— Ҳокимият менимча ҳали Советлар қўлига ўтгани йўқ. Корхонамиз ишчилари ҳам ҳозирча Советлар ишидан тўла баҳраманд бўлмоқдалар, деб айта олмайман. Нега? Мана ишчиларимиз келиб мендан сўрашади. Район партия комитети бор, район ижроия комитети ва халқ депутатлари Совети бор. Ҳокимият қайси бирининг қўлида? Амалда кўпроқ район партия комитети томонда ўхшайди. Мана шу учта ҳокимиятнинг фарқланишини тушунтириб беришимни талаб қилишмоқда. Менинг КПСС XXVIII съездидан кутаётган умидим ҳам шу. Айнан съездгина бу масалани тўғридан тўғри еча олади деб ўйлайман.

— Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездидан олган таассуротларингиз қандай!

— Энг ёдда қоладигани шу бўлдики, жумҳуриятимиз Президенти бозор иқтисодиётига ўтиш муаммосига халқ дилидагидек қилиб, яъни тайёргарликсиз ўтмаймиз дўб тўғри жавоб қилди. Демак, ниҳоят Ўзбекистон Компартияси ўзининг қатъий, мустақил позициясини эгаллаб олибди. Шу билан бирга съездда Ўзбекистон Компартиясининг КПСС билан бундан кейин ҳам мустаҳкам муштараклиги таъкидланди.

— Коммунист сифатида Сизни кўпроқ нималар ташвишлантиради!

— Партияга ишончнинг йўқолиши. Масалан, бошқарув органларида партия асосий ўрнини эгаллаб олди. Бошқарув системаси тор кўчага кириб қолдими, энди партия ҳам киргандек бўлди. Ёки вазир коммунист билан, ишчи коммунистнинг ҳуқуқини ким тенг дея олади?

— Партияда танглик деб аталаётган ҳозирги ҳолатдан Сизнингча қандай чиқиш мумкин!

— Тангликдан чиқиш моддий манфаатдорлик талаб қилмайди. Биз партия сиёсатини раҳбар коммунистлар орқали амалга оширади деб кўп гапирамиз. Ўша раҳбар коммунистлар зиммасига талабни кўпроқ қўйиш керак. Котиб сифатида мен масалан ўз ишимни тўла бажараман. Бу нарса район, шаҳар миқёсида ҳам шундай бўлиб қолиши керак. Шунингдек, қабул қилаётган қарорларимиз ҳам сўз билан иш бирлигига мос тушиши зарур. Масалан, район партия комитети ёки юқори партия органларида штат қисқариши ҳақида кўп гапирилади. Ҳозирча амалда ҳеч нима ўзгаргани йўқ. Бунинг учун аввало партияда талабчанлик ва интизом бўлиши шарт.

— Кўппартиявийлик ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик. Бизнинг жумҳуриятимиз учун бу нарса зарурмикан!

— Одамзод азалдан яхши ишнинг ортидан эргашган. Қандай партия бўлишидан қатъи назар кишилар турмуши фаровонлигига асосланган бўлса, энг муҳими шу. Жумҳуриятимиз мисолида оладиган бўлсак, Коммунистик партия ишончга сазовор, ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Шунинг учун бизда менимча бунга ҳожат йўқ.

Суҳбатдош Ф. ҲУСАНОВА.



Битирувчи-90

«ТОШКЕНТ ТОНГИ» БЎЛАДИМИ?

◎ Ҳали мактабларда имтиҳонлар давом этаяпти, аммо улардаги хайрлашув тантаналари тобора яқинлашмоқда. Бу йил мактабларни битирадиган 15 минг йигит ва қиз, уларнинг ота-оналари уни сабрсизлик ва ташвиш билан кутмоқдалар. Ташвишланишда жон бор: ҳуқуқ бузилишлари сони ҳавотирли. Мана шундай бир шароитда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг халқ таълими Бош бошқармаси, ўқитувчилар жамоалари нима қилишмоқчи? — Ана шу савол билан биз Ўзбекистон ССР халқ таълими нозирининг ўринбосари, шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Қаюмович Йўлдошевга мурожаат қилдик.

— Бир томони хотиржам қилиш ва иккинчи томонни қувоқтириш мақсадида шуни айтмоқчиманки, биз демократик йўлдан бордик. Район халқ таълими бўлимлари ва мактабларга, ота-оналар жамоатчилигига уларнинг ўзларига битириш оқшоми тўғрисидаги масалани ҳал этиш таклиф этилди. Шунинг учун бу оқшом кечалари турли районлар ва мактабларда ҳар хил ўтади. Баъзиларида байрам эрталабдан бошланади ва бутун кун бўйи давом этади. Бошқаларида эса оқшомда бошланиб, эрталаб тугайди: борйўғи 20 та мактаб бунга аҳд қилди. Аммо уларда биронта кўнгилхиралик бўлмаслиги учун ўқитувчилар, ота-оналар масъулиятни ўз зиммаларига олдилар. Бу — оқшом тушгандан эрталабгача навбатчилик қилинади, демак. Ахир, фарзандлар учун киши ҳар нарсага тайёр-да!

— Аммо барибир кўпчилик мактаблар «хавфсизроқ» йўлни танлашибди.

— Фақат «хавфсизгина» эмас, албатта. Бу йил «Наврўз»ни ўтказиш тажрибаси шуни кўрсатдики, агар байрам майда-чуйдасигача пухта ўйланган бўлса, агар у кишиларни гўзаллиги билан жалб эта олса, байрамни оқшомлари эмас, кундуз кунлари ҳам жозибадор қилиш мумкин. Эслаб кўрингга, баҳор байрами куни истироҳат боғларида, Карл Маркс кўчасида қанчалар одам кўп бўлди. Малакали ва ҳаваскор артистлар жамоалари, рақс жамоалари, танловлар ва ҳар хил ўйинлар, ранг-баранг томошалар, ҳар ёқдаги тўкин-сочинлик минг-минглаб тошкентликларга қанчалар қувонч бахш этмади, дейсиз... Демак, ҳамма нарса кайфият ярата билиш, одамларга қувонч бахш этиш истагидадир. Мана, ҳозир ўқитувчилар жамоалари йигит ва қизлар билан биргаликда иш олиб бораётган маҳалла қўмиталари сценарийлар устида ишлаш хоҳиши билан чиқмоқдалар. Демак, одамларга яхши кайфият бағишламоқчилар. Бу ишга маҳаллаларнинг жамоатчилиги ҳам қўшилган. Баъзилар совғалар тайёрлашяпти. Бошқалар эса санъаткорлар билан ўзаро келишишяпти, яна баъзилари эса мажлислар ва спорт залларини, мактаб ҳовлиларини безатиш устида иш олиб боришаяпти.

— Қайси районларда байрамлар кундуз кунлари ўтади.

— Деярли ҳамма районларда, фақат Ленин, Сергели, Чилонзор районлари бундан мустасно. Ленин районида булар 60, 175, 301, 263, 125, Сергели районида — 252, 237, 268, 7, 8, 2, 3-мактаблардир. Чилонзор районида 9 та мактаб, Фрунзе районида фақат битта — 100-мактаблардир.

— Шундай қилиб, тантаналарга тайёргарлик қизғин денг-а. Йигит ва қизларга уларнинг ташкилотчилари нималарни ташкил этишаяпти?

— Жуда хилма-хил дастурни Аммо уларнинг ҳаммаси кундуз кунлари ўтадиганлари ҳам, кечқурун ўтадиганлари ҳам тантанали ўқитувчилар кенгашидан бошланади. Уларда битирувчиларга ўрта маълумот тўғрисидаги етуклик гувоҳномасини оталиқ ташкилотлар раҳбарлари, уруш ва меҳнат кексалари, оқсоқоллар, ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари топширишади. Албатта, яхши сўзлар, тилаклар таркиб топган анъана бўйича айтилади. Танловларда ва олимпиадаларда, спорт мусобақаларда ўзини кўрсатганларга, мактаб ишларида жуда фаол бўлганларга мукофот ҳам берилади. 90-йил битирувчилари мактабда қолаётганларга ворисликни топширадилар ва синфдаги ёзув тахтачаларида «Хайр, мактаб!» деган ҳаяжонли сўзлар ёзилади. Битирувчиларни тантанали ўқитувчилар кенгашидан кейин танлов дастурлари ва рақс кўриклари, шаҳарнинг тарихий ва маданий ёдгорликлари бўйлаб саёҳат ва яна бошқа кўпгина нарсалар кутади. Буёғи энди уларнинг ташкилотчилари ва битирувчиларнинг хаёлотлари ва кашфиётларига боғлиқ. Масалан, 88-мактабда Хўжа Насриддин ўзи учун одатдан ташқари қиёфада — ҳакам қиёфасида чиқади. Бошқаларида эса ўзбек халқ эртаклари ва афсоналарининг қаҳрамонлари чиқадилар...

Битириш байрам тантаналарига тайёргарлик кун сайин авж олиб бораяпти: оилаларда янги кўйлакларни тезроқ тикишга, туфлилар харид қилишга (ҳозирги тақчиллик пайтида бу унчалик осон эмас, албатта) ҳаракат қилишаяпти. Мактабларда ва маҳаллаларда ҳам фақат бир ташвиш — байрамни қандай қилиб бутун умрга унутилмас қилиб ўтказишга қаратилган.

Бу ишга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг маданият, савдо, умумий овқатланиш, ички ишлар, Бош бошқармалари фаол қўшилганлар.

Ҳаяжонли 23 июнь тобора яқинлашяпти. Бу кун келган чоғда сиз мактаблар ёнидан ўтасиз. Уйингизга қўшни бўлган мактаб ҳовлисига бир қиё боқинг, майли, ҳатто оилангизда битирувчилар бўлмаса ҳам. Ана шунда сиз чиройли, байрамона кийинган йигит ва қизларни, ранг-баранг гуллар чаманзорини ва яшнаб турган табассумларни кўрасиз. Бенхтиёр, кайфиятингиз ўз-ўзидан кўтарилиб кетади ва сиз бир пайтлардаги мактаб битириш кечасини эслаб кетасиз.

Н. ЮНУСОВА.



◎ 239-мактабнинг 11-синф ўқувчилари. Т. Каримов суратлари.

— Янгиликлар
— Воқеалар
— Хушхабарлар

Тез қурийди

◎ ТОШКЕНТ лак-бўёқ заводи жамоаси янги эмаль бўёғини ишлаб чиқаришга киришди.

Бу бўёқ аввалги бўёқларга қараганда тез қурийди. Бўёқ ҳар хил ҳажмли металл қутиларга солиб чиқарилмоқда.

Шу билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури 9 тага етди. Шундан иккитаси янгилик муҳри билан бўлса, учтаси сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

Д. ҚАЛАНДАРОВ.

Гиёҳшарбатхонага келинг

◎ ЧИЛОНЗОР район саломатлик марказида гиёҳшарбатхона очилди. Энди шаҳарликлар бу ерда кимёвий дорилар ўрнига гиёҳлардан тайёрланган шифобахш дамламаларни ичишлари мумкин. Бу ерда кўпгина касалликлардан фориғ бўлишда ёрдам берувчи 40 хилдан ортиқ дамлама тайёрланади.

О. АЗИМОВ.

Марра яқин

◎ ШАҲРИМИЗНИНГ М. Горький шоҳ кўчаси билан Петров кўчаси муюлишида ўлка тиббиёт илмий-тадқиқот институтининг янги биноси қад ростлади.

Бинокорлик ишларини 159-трестга қарашли 70-қурилиш бошқармасининг В. Смеклов бошчилик қилаётган кўп тармоқли бригада жамоаси олиб боришди. Муддатидан ўзиб ишлаётган бу жамоа умумий қурилиш ишларини ниҳоясига етказди. Ҳозирги кунда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ш. АЗИМОВ.

Мавсумий либослар

◎ БУГУН «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси янги бичимда мавсумий либосларни тайёрлашга киришди.

Бу ерда икки хил замонавий плашч ва енгил пальто тайёрлана бошланди. Корхона чеварлари ҳар қайси буюмдан 200 тадан намуна маҳсулот тайёрлаб корхонанинг фирмали савдо дўконига юборди.

Б. МУРОДОВ.

Даҳа чиройи

◎ БУГУН «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳасида 9 қаватли 216 хонадонли турар жой биноси қурилиши бошланди. Бинонинг қурилиш ишларини 1-уйсозлик комбинатига қарашли 2-бошқарманинг А. Капаев етакчилик қилаётган кўп тармоқли жамоаси олиб боришмоқда. Бинокорлар уйни Улуғ Октябрь байрами арафасида ҳамшаҳарларимиз хизматларига топширишга аҳд қилишган. Бу кўркам уй даҳа ҳуснига янада чирой бахш этади.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ.

ИТАЛИЯ '90

«ШЕРЛАР» ЯНА ЮТИШДИ

РУМИНИЯ—КАМЕРУН учрашувини футбол мухлислари орзиқиб кутган эдилар. Бу авваламбор камерунликларнинг ўтган ўйиндаги ғалабаси тасодифийми ёки йўқлигига жавоб берса, иккинчидан, руминларнинг ўйини ҳам жуда кучли бўлиб, Лэкэтуш ва Ҳожиларнинг олдида ҳар қандай ҳимоя ожиз эди. Дастлаб румин футболчилари ҳужумда бўлдилар. 34 ёшли дарвозабон Н' Коно аввал Ҳожининг, сўнг эса Лэкэтушнинг кучли ва аниқ зарбаларини қайтарди. Биринчи бўлим 0:0 ҳисобида тугади.

Бироқ ўйиннинг тақдири охирги дақиқаларда ҳал бўлди. Иккинчи бўлимда майдонга тушган 38 ёшли Роже Милла (қизиғи шундаки, бундан 14 йил олдин у Африканинг энг кучли футболчиси деб тан олинган, ҳатто яшил майдонни тарк этган ҳам эди, бироқ тренерлар илтимос қилиб биринчиликда қатнашишга кўндиришди) 8 дақиқа ичида бирибиридан чиройли икки тўп киритиб командасининг ғалабасини таъминлади. Ҳа, ўйиннинг тақдирини икки кекса ўйинчи ҳал қилди. Руминлар охирги дақиқаларда жавоб тўпини киритдилар ва беллашув 2:1 ҳисобида тугади.

Сўнг майдонда Италия — АҚШ командалари куч синашдилар. Чемпионликка даъвогар Италия футболчиларининг ўйинларини мухлислар зўр қизиқиш билан кутгандилар. Ушбу учрашув кучларини оз-оздан сарфлаб бораётган майдон эгаларининг 1:0 ҳисобидаги ғалабаси билан тугади. Тўп муаллифи — Жаннини.

БАРАКАЛЛА, ШКВИРИН!

КЕЧА Владикавказда биринчи лиганинг навбатдаги тур учрашувида турнир пешқадами — маҳаллий «Спартак» «Пахтакор» командасини қабул қилди. Ўйинлари тобора қовушиб бораётган пахтакорчилар 4:3 ҳисобида ғалаба қозониб жаҳон биринчилигида футболчиларимиз кўрсатган ўйиндан кўнгиллари чўккан ишқибозларимизни хурсанд қилиб юбордилар. 12 ўйиндан сўнг дарвозаларидан атиги 5 тўп ўтказиб юборган рақибларимизнинг кучли ҳимояси яна тўрт марта доғда қолди. Ҳужумчилар карвонбошиси И. Шквирин эса уч тўп уриб, ўзининг барча голларини 15 тага етказди.

Қолган ўйинлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Таврия» — «Локомотив (Г) —3:1, «Тирас» — «Факел» — 2:0, «Кубань» — «Нистру» — 0:1, «Динамо» (Сх) — «Металлург» — 0:1, «Геолог» — «Локомотив» (М) — 0:0, «Шинник» — «Кузбасс» — 2:1, «Котайк» — «Қайрат» — 2:1, «Зенит» «Нефтчи» — 2:2.

Д. ИСРОИЛОВ.

ШЕЪРИЯТ БЎСТОНИДАН БИР ОВОЗ КЕЛУР...

Шеър — ижодкор қалбининг ўтли парчасидир. У кишилик жамиятини азрўйи азал яшашга, курашга, машаққатларни енгиб ўтишга отлантириб келган. Бу борада ўзбек шеърияти нафақат ўзбек халқини, балки бутун жаҳон адабиёти ихлосмандларини ҳам олтиндек сержило маънавий хазина билан бойита оладиган қудрат ва маънога эга. Шуни ҳам айтиш керакки, бебаҳо жавоҳирларни ўрганиб, тавсиф ва талқин қила билишнинг ўзи ҳам юксак маданият белгисидир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси шеърият кенгаши қошида тузилган «Овоз» («Голос») адабий тўгараги ана шундай олижаноб мақсадларни амалга ошириш ва ўзбек шеъриятини янги-янги номлар билан бойитишга хизмат қилади.

— Бундай адабий тўгарак жумҳуриятда биринчи марта тузилди, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси шеърият кенгашининг масъул котиби шоир Маъруф Жалил. — Мазкур тўгаракка аъзо бўлувчилар жиддий синовдан ўтдилар: ҳар бир кирувчининг адабиёт ва шеърият ҳақидаги тушунчалари имтиҳон қилинди.

Шундай қилиб, тўгаракка кириш истагини билдирган юз кишидан йигирма беш нафари имтиҳондан муваффақиятли ўтиб, «Овоз» тўгараги аъзоси бўлди.

Шеъриятда новаторликка эришиш осон эмас. Бу ҳақда тўгарак аъзоларига машҳур шоир ва адабиётшунослар маърузалар айтишади. Янги адабий тўгаракнинг шиори классик адабиётни пухта ўрганиш, миллий анъана ва маданиятга таяниб, ўзбек шеъриятини янада камол топтиришдан иборатдир.

Тўгарак қатнашчилари тарих, эстетикани ўрганиш билан бирга жумҳуриятимизнинг турли колхоз, совхоз ва маҳаллаларида ҳам учрашув ва адабий кечалар ўтказишади.

Адабий тўгаракка шоир Чори Аваз раҳбарлик қилмоқда.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ муҳбири.

«Бағримизга шамол тегди»

Ижарачи тўқимачилар шундай дейишмоқда

(Суратли репортаж)

БУ корхона ҳақида яхши ҳам, ёмон ҳам гаплар кўп бўлган. Корхона энди ишларнинг бир томонини ўнгласа иккинчи томонидан яна бир нуқсон келиб чиқаверарди. Бунинг сабаби эса маълум: Тошкент тўқимачилик комбинати, яъни фақат шаҳримизнинггина эмас, балки жумҳуриятимизнинг ҳам кўҳна корхоналаридан бирини замон олға шоширарди. Ускуналар ҳам анча эскириб кетган, у ҳозирги шиддатли ва катта талабларга мос келавермасди. Сўнгги йилларда корхонада кўпгина ўзгаришлар бўлди. Аммо барибир гўё у дарёдан кечиб ўта олмаётган азамат филга ўхшарди. Мутахассислар, раҳбарлар — ҳамма-ҳамма бу ҳақда астойдил бош қотиришарди. Ишлар бироз ўнглангандек бўлар, бироқ дам таъминотчилар, дам эскирган дастгоҳлар, дам ишларни ташкил этишдаги меъёрига етмаган жиҳатлар ва бошқа кўпгина «оёқнинг остидан чиқиб қолган» ҳар хил сабаблар ишнинг белига тепарди. Комбинатнинг ўн мингдан зиёд ишчи-хизматчилари эса бундан албатта озор чекар, «Шунчалик жонимизни жабборга бериб ишласагу нечун косамиз оқармайди, ҳамиша бир нуқсон чиқиб даромадимизга чанг солиб туради. Қачон бу «машмашалар»дан қутилиб бундоқ бизнинг ҳам бағримизга шамол тегади, биз ҳам бошқаларга ўхшаб қачон жарақ-жарақ фойда оламиз, ахир?!» — дейишарди.

Улар орзу қилган кунлар келди. Бу кунларга етганларнинг қувончлари бўлакча: юзларида табассум, мамнуният ифодаси. Хўш, бунинг сабаби нимада экан энди?

Мана, биз комбинатнинг замонавий, кенг ва ёруғ участкаларидан биридамиз. Ишлаб чиқариш жараёнларини чаққонлик билан кузатиб турган қиз қардош Туркманистондан келган тўқувчи Дилором Улуғмуродовадир. Тўқимачилик комбинатида ишлаётганига 3 йил бўлибди. Ҳозир комбинатда ўз билимини оширмасдан ишлаш — катта ютуқларга эришиш мумкин эмаслигини тушуниб, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таълим олмоқда.

— Айниқса ҳозирги пайтда, яъни комбинатимиз ижарага ўтган чоғда эски малака ва билим билан ишлаш қийин. Ижарага ўтган корхонада малакали кадрлар жудаям керак, — деди у.

Мана, ишчилар қувончининг сабабини ҳам билиб олдик: Тошкент тўқимачилик комбинати жумҳуриятимиздаги ўзига ўхшаш турдош корхоналар ўртасида биринчи бўлиб ижара пудратига ўтди. Бунга ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо дастлабки кунлардаёқ у тўқимачиларга янгича илҳом бахш этмоқда. Бунинг сабаби яна шундаки, улар бунга осонликча эришмадилар. Аввало олдинда катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Дастлаб айрим фабрикалар жамоалари уни тажрибадан ўтказишди. Иккинчи сабаби эса жумҳурият енгил саноат вазирлиги унинг ижарага ўтишига жуда «кўзи учиб турмаган» эди. Вазирликни бунга ишонтириш учун икки йилча вақт керак бўлди. Аммо шу икки йил ичида бўлғуси ижарачиларга осон бўлмади. Биргина мисол: ўтган йили корхонада барча режалар барбод бўлди. Маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларига риоя этилмади. Натижада истеъмолчилар кўплаб маҳсулотлар олишолмади. Турли хил газламаларга кўз тикиб турган савдо ташкилотлари ҳам доғда қолишди. Буларнинг касрига комбинат катта жарима тўлашга мажбур бўлди. Кўпчилик энди шунга яққол ишонч ҳосил қилдики, фақат ижара усулигина бу корхонани «асрий» қолоқликдан олиб чиқиши мумкин.

— Энди амалий ишлар қилиш вақти келди! Иш эскичасига давом этиши мумкин эмас,—деди бошқарувнинг автоматлаштирилган системасининг бўлими бошлиғининг ўринбосари А. И. Мовшович, — ҳозир ижара усулига ўтган бир шароитда ишчиларга аванс ҳисоб-китобларини чиқаряпман. Ҳозирданоқ шуни айтиш мумкинки, уларнинг иш ҳақлари анча ошди.

Ҳа, ижарадан умид катта. Фақат иш ҳақининг ошишигина асосий муддао эмас, албатта. Бундан ташқари шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бекаму кўст бажариш, меҳнат унумдорлигини муттасил ўстира бориш, фан ва техника ютуқларини янада дадилроқ жорий этиш каби кўплаб мураккаб вазифалар турибди.

Ижарачилар дастлабки ютуқларни қўлга кирита бошладилар. Масалан, биринчи марта бу ерда фойда олиш топшириқлари бажарилди. Белгиланган асосий режалар муваффақиятли амалга ошди. Аммо бу ҳали илк қадамлар эканлигини унутмаслик керак. Зотан, тўқимачилар жамоаси бу вазифаларни бажаришга қодирдир, деб бемалол айтиш мумкин. Бу эса фақат уларнинг ғайрат-шижоатлари, изланиш ва ташаббускорликларига боғлиқ. Дарвоқе, ташаббускорлик ҳақида. Мана, энди тўқимачилар кўпдан буён қўлларини боғлаб келаётган нарсалардан қутилиб, ниҳоят иқтисодий мустақилликка эришдилар. Энди янги, серунум дастгоҳ ва ускуналарни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳам, меҳнат жамоасига ижтимоий қулайликлар яратиш ҳам, янги уй-жойлар барпо этиш ҳам, қўйингчи комбинатни гуллаб-яшнатиб юбориш фақат ўзларининг ташаббускорликларига ва омилкорликларига боғлиқдир.

Биргина мисол: агар ишчи ёки хизматчи астойдил ишласаю тушлик пайтида тўйимли овқатлана олмаса, гўё арзимайдигандек туюлган маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишидан қониқмаса, унинг ишида барака бўлишига умид қилиш қийин. Аммо комбинат қошидаги маиший хизмат кўрсатиш туркумининг сартарошхонасида бўлганимизда бунга эътибор бериш қанчалик минг-минглаб хотин-қизлар ишлаётган корхонада зарур эканлигини ҳис этасан, киши! Зотан, унумли меҳнатдан сўнг уйига ошиқаётган ишчи-хизматчилар бугун ўзларининг кийинишлари, қадди-қоматлари, либос ва сочларининг замонавийлиги билан бошқа кишилардан ўзишса-ўзишадики, асло қолишмайдилар. Бинобарин, ижара усулига ўтишдан мақсад ҳам энг аввало инсон омилига янада жиддий эътибор бериш, оддий меҳнатчилар тўғрисида амалда чинакамига ғамхўрлик қилишдир.

Ҳ. АКРОМОВ.

Б. Юсупов суратлари (ЎзТАГ).







Хориждан хабарлар

Польшада ишсизлар кўпаймоқда

⊙ ВАРШАВА. Польшадаги олий ўқув юртлари ва ўрта мактабларнинг 340 минг битирувчисининг ярмидан кўпроғи бу йил ишсизлар сафини тўлдиради. Меҳнат ва ижтимоий сиёсат министрлигининг фикрига қараганда, корхоналар фақат қарийб 160 минг йигит ва қизни ишга қабул қилиши мумкин. Бу, ҳукумат иқтисодий дастури доирасида ишлаб чиқаришни ихчамлаштириш ва зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни ёпиш натижасида мамлакатда вужудга келган иш билан бандлик муаммосининг нақадар ўткирлигидан далолат беради. Ишсизлар каттагина армиясининг пайдо бўлиши — бу, хусусан, пулнинг қадрсизланишига қарши курашда қатъий тежамкорлик чораларини кўриш ва меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза этиш системасини олдиндан ишлаб чиқмай туриб бозор принципларига кескин ўтишнинг оқибатидир.

Министрликнинг ҳатто жуда эҳтиёткорлик билан қилган тахминларига кўра олий ўқув юртларининг 38 минг битирувчисидан фақат 22 минг нафари ўз ихтисоси бўйича иш топа олади. Тўлиқ ўрта мактабларнинг юз минг битирувчисидан атиги 40 минги, ҳунар билим юртларини тугаллайдиган 180 минг йигит ва қиздан эса фақат 80 минг нафари ишга жойлашишга муваффақ бўлади. Қолганларнинг эса меҳнат биржаларида рўйхатга ёзилишларига тўғри келади.

«Трибуна» газетасининг хабар қилишича, битирувчиларни иш билан таъминлаш юзасидан ҳукумат тузган фондда касбга йўналтириш системасини пул билан таъминлаш учун маблағ ниҳоятда кам. Бунинг устига фонднинг ўзи ҳам ҳали тўла ташкил топганича йўқ.

Польшада рўйхатга олинган жами ишсизлар қарийб 400 минг кишини ташкил этади. Корхоналар ва фирмаларнинг хонавайрон бўлиши натижасида бу рақам муттасил ошиб бораверади. Марказий режалаштириш бошқармасининг тахминларига кўра, йил охирига бориб иш қидириб юрганлар жами 1,3 миллион кишига етиши мумкин. Бу, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг тахминан 10 фоизига тенгдир.

Мамлакатда ўлим жазосининг тикланишини маъқуллашмоқда

⊙ ЛОНДОН. Буюк Британия аҳолисининг жуда кўп қисми мамлакатда 1950 йилларнинг охирларида бекор қилинган ўта оғир жиноят содир этганлик учун бериладиган ўлим жазосининг тикланишини қўллаб-қувватламоқда. «Нэшнл Опинион Полл» тадқиқот хизмати ўтказган ва бугун «Сан» газетасида эълон қилинган жамоатчилик фикрини сўраб билиш шундай кутилмаган натижа берди. Фикри сўралганларнинг 81 фоизи «Олий жазо чораси тикланиши лозим» деб таъкидлади. Фикри сўралганларнинг 18 фоизигина бунга қарши чиқди. Тадқиқот иштирокчиларининг 1 фоизи бу хусусда аниқ бир фикр билдиролмади. Фикри сўралганларнинг аксарияти терроризм, одам ўлдирганлик, аввало балоғат ёшига етмаганларни ва полициячиларни ўлдирганлик учун, шунингдек номусга текканлик учун ўлим жазоси берилиши лозим, деб ҳисобламоқда.

Сўраб билиш натижаларини эълон қилиб, «Сан» газетаси кўп йиллар мобайнида ўлим жазосига бир неча бор салбий муносабат билдирган британияликлар кайфиятидаги ўзгаришлар хусусида ҳеч қандай шарҳ бермади. Бироқ газета ўзининг шу сонида кейинги йилларда содир этилган ўта шафқатсиз жиноятлар рўйхатини ҳам берди. Бундай жиноятлар мамлакатда ўтган ўн йилликда кескин кўпайиб кетди. Эҳтимол, британияликларнинг ўлим жазосига бўлган муносабатлари айни шу зўравонлик ва шафқатсизлик кўпайиб кетиши туфайли ўзгаргандир.

ҚУРОЛ ТАШЛАГАНЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

● НИКАРАГУА контрасчилари қуролсизланишни давом эттирмоқдалар. Улардан ҳозир 90 мингдан кўпроқ киши ўз қуролларини топширдилар. Ана шундай маросимлардан бирида, Эль-Альмендро деган жойда Никарагуа президенти В. Чаморро контрасчилар ҳузурида нутқ сўзлади. Мен 9 йил давом этган уруш пайтида худди мана шу бугунги кунни орзу қилган эдим. Менинг орзуларим ушалди, деди президент. Контрасчиларнинг қуролсизланиши 29 июнда тугалланади, деб кутилмоқда.

Қисқа сатрларда

● ЛИВАН пойтахти Байрутда яна ўзаро отишмалар авжига чиқди. Генерал Аун ҳамда «Ливан кучлари» деб аталмиш ҳарбий ватанпарварлик ташкилоти жангчилари ўртасидаги отишмалар натижасида кўп қурбонлар берилди.

⊙ ПРАГА. Мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органи — ЧСФР федерал мажлиси ҳамда республика парламентига сайлов жиддий чигалларсиз ўтди. Сайлов комиссияларининг маълумотларига қараганда, сайловчиларнинг деярли ярми овоз берди. Фақат Жанубий Чехиядагина давлат хавфсизлиги ва мушакбозлик ходимлари Велешиндаги мактаблардан бирини ва корхонани портлатиш ҳақидаги пўписаларга нисбатан чора кўришга мажбур бўлдилар. ЧТК агентлиги, телевидение ва радио сайлов қандай ўтаётгани ҳақида мунтазам хабар бермоқда. Сайловда чехословакиялик муҳожирлар ва маҳбуслар биринчи марта иштирок этаётганлиги алоҳида уқтирилмоқда.

Прагада бўлиб ўтган журналистлар билан суҳбатда Чехия миллий кенгаши депутатлигига 77 номзод ўз номзодини овозга қўйишдан бош тортганлиги маълум қилинди. ЧСФР федерал мажлисига бир қанча номзодлар ҳам ҳозирги ҳокимиятга тарафдорлик текширувидан ўтмади.

● ФИЛИППИН пойтахтида сўнгги уч ҳафта ичида олтинчи қотиллик юз берди. Пойтахт Манила кўчаларидан бирида Филиппин ҳарбий разведкаси офицерларидан бири куппакундуз куни отиб ўлдирилди.

⊙ ВАШИНГТОН. АҚШ мудофаа министри Ричард Чейни олий даражадаги Совет — Америка учрашувини Шарқий Европа ва СССРдаги сиёсий ва иқтисодий ўзгариш ва ислоҳотлар жараёнларининг «чўққиси» деб атади.

У Вашингтонда халқаро ишлар кенгашида сўзга чиқиб, шахсан менинг фикримча бу олий даражадаги алоҳида учрашув бўлди, сўнгги йиллардаги ана шундай учрашувларга қиёс қилинадиган бўлса, ҳақиқатан ҳам катта воқеа бўлди, деди.

● ТАИЛАНДДА ҳукумат инқирозга юз тутди. Мамлакат мудофаа министри Чавалит Йонгчайют истеъфога чиқди. Таиланд сиёсий арбобларидан бири уни айниш ва бузилишда айблаган эди.



ШВЕЙЦАРИЯ. Қадимий хотин-қизлар туфлиси кейинги 3 минг йилда ишлаб чиқарилган. Пойабзал маҳсулотлари кўргазмаси Женева шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига этикдўзлик санъати тарихини намойиш этади.

Кейстон — ТАСС сурати.

Хушхабарлар

⊙ «МАЛИКА» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентда очилган фирма магазини дастлабки харидорларни қабул қилди. Бу ерда расм бўлган либосларни сотиб олиб, ўзи истаган андозадаги кўйлакни тиктириш мумкин. Ширкатчилар эса бу ерда полотно, калава, уқа ғамлаб олишлари мумкин.

⊙ ХИМИЯ саноати марказий илмий-текшириш институти олимларининг ишланмаси пахтани хас-чўпдан тозалашга ёрдам беради. Бу ерда яратилган тозалаш қурилмаси узоқ туриб қолган пахта чигилларини титади. Ихтиро пахта толасини тозалаш сифатини далада ҳам, пахта тозалаш заводларида ҳам анча ошириш имконини беради.

⊙ ТАНДА қўядиган дастгоҳлардаги ипни таранглаштириб берувчи ускуна газлама сифатини яхшилаш имконини беради. Бу ускуна Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг марказий лойиҳа-конструкторлик технология бюросида яратилди. Янги ускуна ипнинг ингичка-йўғонлигига қараб, унинг машинага бир текис келиб туришини сезгирлик билан таъминлайди, ипни момиқ ва бошқа нарсалардан тозалайди, ундаги статик электрни йўқотади.

(ЎзТАГ).

Министрлар Совети қарорини бажара бориб

ВАҚТИНЧАЛИК, АММО ЗАРУР ЧОРА

⊙ Бугун биз шунга гувоҳ бўлиб турибмизки, магазинларнинг пештахталарида моллар етишмаяпти. Бунинг сабаблари кўп. Аммо биз ҳозир бошқа бир нарса ҳақида — истеъмол бозорини мўътадиллаштириш зарурлиги ҳақида тўхталмоқчимиз. Шундай қилиш керакки, моллар ва маҳсулотларни харидорлар бемалол харид қила олсинлар. Жумҳурият Министрлар Советининг Ўзбекистон ССР аҳолисига озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини сотишни барқарорлаштиришнинг вақтинчалик тадбирлари тўғрисидаги қарори айнан ана шу мақсадни кўзда тутади. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига ана шу қарорга мувофиқ маҳаллий шароитлардан ва ажратилган фондлардан келиб чиқиб, айрим озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларини сотиш тартиби ва нормасини ишлаб чиқиш таклиф этилган эди.

Мана, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети молларни сотиш нормасини ҳам белгилади.

Мухбиримиз ана шу масала юзасидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг бошлиғи вазифасини бажарувчи С. Х. Имомов билан учрашди.

— МАГАЗИНЛАРДА тез-тез бўлиб турадиган киши ўз шахсини тасдиқловчи бирон-бир ҳужжат-паспорт, хизмат ёки нафақа гувоҳномаси, талабалик ҳужжатини кўрсатиш тўғрисида савол берилмаётганлигининг гувоҳи бўляпти,— деди С. Х. Имомов. — Молларни олишдаги бундай тартиб зарурий, аммо вақтинчалик чора эди. У маҳаллий истеъмолчилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, улар манфаатларини ҳимоя қилишга имкон бермоқда. Кейинги кунларда магазинларда ҳатто ойлаб ҳеч ким қарамаётган молларни ҳам олиб кетишди. Бу ваҳимагина эмас, балки «хуфёна иқтисод» учарлари, чайқовчиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам таъсир этмоқда.

Ҳа, савдо тармоқларидан молларни қолдирмай олиб кетишаётганини тўхтатиш мақсадида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларини ҳар бир одамга сотишнинг вақтинчалик нормасини белгилади. Улар барча магазинларда кўзга кўринарли жойларга осиб қўйилмоғи керак. Масалан, ҳар бир одамга 2 килограммдан ун, гуруч, ёрма, 2 тадан чой, 400 граммдан мол ёғи ва бир шиша ўсимлик ёғи берилади. Энди Тошкентга иш юзасидан келганлар, саёҳатчилар, меҳнат шартномаси билан ишга келганлар, ҳарбий хизматни ўтаётганларнинг ҳам манфаатлари ҳисобга олинган. Чунончи, улар бир килограмм шакар, 200 грамм мол ёғи, битта чой ва ярим кило колбаса сотиб олишлари мумкин.

Хўш, тўй қилмоқчи бўлганлар ёки бошига кулфат тушганлар нима қилиши керак? Бу борада меҳнаткашларнинг истаклари инобатга олинди. Уларга озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш нормалари белгиланди, яъни халқ анъаналари, урф-одатлари билан боғлиқ тадбирлар ҳам кўзда тутилди. Масалан, шундай тўй ёки маърака ўтказмоқчи бўлган кишилар тегишли ҳужжатларини кўрсатиб, чунончи 50 килограммгача ун ва гуруч, 10 килограмм ўсимлик ёғи, 1 килограмм чой ва 3 килограмм мол ёғи сотиб олишлари мумкин. Буларни эса ана шу мақсад учун танлаб олинган 16 та магазин беради.

Ана шу магазинлар қуйидагилардан иборат: Ленин районида — 20 ва 30-магазинлар; Сергели районида — 9 ва 12-магазинлар; Фрунзе районида — 36-магазин; Куйбишев районида — 31-магазин; Октябрь районида — 24 ва 68-магазинлар; Собир Раҳимов районида — 63-магазин; Киров районида — 36, 50 ва «Олмазор» магазинлари; Чилонзор районида — 30-магазин; Ҳамза районида — 25 ва 32-магазинлар, Акмал Икромов районида эса 11 ва 22-магазинлар.

Энди якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиганлар (нонвойлар) эса қуйидаги магазинларга мурожаат қилишлари керак: Куйбишев шоҳ кўчасидаги — 31-магазин, Эркин посёлкасидаги — 7-магазин, Бобоев кўчасидаги 36-уйда жойлашган, — 5/3-магазин, Ш. Руставели кўчасидаги — 16-магазин, Проводниковая кўчасидаги — 11-магазин; Уйғур кўчасидаги 484-уйда жойлашган 22-магазин; Беруний, Тинчлик кўчаларида — 42-магазин, Зиёмов кўчасидаги 22-уйда жойлашган 21-магазин, Обидова кўчасидаги 57-уйда жойлашган 37-магазин, Дўмбиробод кўчасидаги 89-уйда жойлашган 3-магазин, М. Ҳасанова кўчасидаги — 36-магазин ва Қурувчи кўчасидаги 24-магазин. Улар учун ҳар ойда 2 тонна ун бериш нормаси белгиланди.

Ногиронлар, Улуғ Ватан уруши ва имтиёзлари уларга тенглаштирилган кишиларга хизмат кўрсатиш тартиби ўзгармасдан қолаверади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан ноозиқ-овқат молларини сотиш нормалари ҳам белгиланди. Масалан, 6 метрдан ип-газлама ва гилам пояндозлар, бир жуфтдан пойабзал, биттадан гилам ва тикилган буюмлар (пальто, плаш, костюм, кўйлак), икки донадан кўрпа-ёстиқ жилдлари (чойшаблар, ёстиқ жилдлари, кўрпа жилдлари), шойи, ярим жунли ва жунли газламалар — 3 метр, — тўрпарда — 12 метр.

Савдода узилиш бўлмаслигини таъминлаш учун режага қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, мол алмашиш жараёнлари ва бошқа ресурслар ҳисобига сақлаб қўйиладиган (запас) моллар ташкил этилади.

Ана шу мақсадлар учун савдо ташкилотларига мол сақлаб қўйиш нормативларини (запас моллар нормативларини) кўпайтиришга ижозат берилди.

Истеъмол бозорини барқарорлаштириш бўйича кўрилаётган бу чора-тадбирлар муносабати билан, албатта, биз белгиланган тартибга қандай риоя қилинаётгани устидан қатъий назорат ўрнатамиз, уни бузувчиларга эса қаттиқ чора кўрамиз.

Суҳбатдош О. ҲАКИМОВА.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Даволаш муассасаларида







⊙ «ТЕЗ ЁРДАМ» ЖОНКУЯРЛАРИ. «Тез ёрдам» шифохонаси кўпгина қулайликларга эга. Бу ерда шифокорлар руҳий ҳордиқ чиқариш хонаси, ҳаммом, сув ҳавзаси, спорт зали ва бошқалардан фойдаланмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: бош врач Тоҳир Миродилов руҳий ҳордиқ чиқариш хонасида: катта тиббиёт ҳамшираси Саноат Аҳмедова; ишлаб чиқариш гимнастикаси инструктори А. Банников.

Р. Шарипов суратлари.

Олийгоҳдаги истироҳат

⊙ Тошкент Давлат педагогика олийгоҳининг шундоққина ёнгинасида бир бино бор. Бу ерга кирган киши бир нафас ҳўзур қилиб дам олгиси келади. Соя-салқин солиб турган дов-дарахтларнинг мўътадил ҳаво таратишию, чоратрофининг оромгоҳлиги кишини ўзига ром этади. Олийгоҳнинг юз ўринли санаторий-профилакторийси ана шундай сўлим гўшага айланган. Ғуломқодир Солиев бу ерда кўп йилдан буён бош шифокор лавозимида ўз фаоллари билан меҳнат қилиб келяпти. Бу ерда яхши дам олиб ҳордиқ чиқарган минглаб ўқитувчи ва талабалар доим илиқ сўзлар айтишади. Ҳозирги кунда бу жойда ҳар йили олийгоҳнинг 900 нафардан ортиқ талабалари ва 500 нафарга яқин ўқитувчилари маданий дам олишмоқда.

ШИФО масканини айланганимда инсон саломатлиги учун қилинаётган ғамхўрликларни кўриб менда катта бир таассурот қолди. Ҳаммаёқ тоза, тинч ва осойишта. Бу ерда даволанувчиларнинг бир қисми телевизор кўриш билан, бир қисми эса шахмат-шашка ўйнаш билан банд. Талабаларга ўқиш, илмий иш билан шуғулланиш ҳамда дам олиш учун барча шароит яратилган. Хуллас, бу ерда ташкил этилган санаторий-профилакторийда талаба ва ўқитувчилар мириқиб дам олиб, даволанишяпти.

Яқинда бино ичидаги зал, ванна, душ қабул қиладиган хоналарни ҳозирги замон талабига жавоб берадиган тарзда қайта таъмирладик, — дейди биз билан суҳбатда Ғуломқодир Солиев. — Жорий таъмирлаш ишларини ташкил этишда олийгоҳ ректорати, партия, касаба союз уюшмалари шифо масканининг моддий-даволаш базасини муттасил мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам бердилар. Улар даволаш ва соғломлаштириш ишларини янада яхшилаш чораларини кўришмоқда. Бугунги кунда беморларга барча қулайликлар яратилган. Талабаларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш ва назорат қилиш ниятида институт қошида замонавий жиҳозларга эга бўлган тиббий бўлим ҳам ишлаб турибди. Санаторий-профилакторийда турли хасталикларга даво берадиган хоналар бўлиб, улар замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган. Сув, иссиқлик, электр нури билан даволашларни ҳам кенг йўлга қўйдик. Натижада икки йил ичида талабалар орасида диспансер ҳисобида турадиган беморлардан шифокорга мурожаат қилиш 60 фоизгача камайди.

Ҳозирги вақтда санаторий-профилакторийда 32 нафар ходим бўлиб, уларнинг уч нафари шифокор, қолганлари ҳамшира, ошпаз ва ходимлардан иборат.

Санаторий - профилакторийдан барча даволанувчилар миннатдор, Профилакторийнинг таклиф ва истаклар дафтарини кўздан кечирдик. Унда Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, социализм назарияси кафедраси доцентлари Сафо Каримов, Абдулла Раҳимов, уруш ва меҳнат кексаси, 1946 йилдан КПСС аъзоси Акбар Омилов, дефектология факультетининг бир гуруҳ талабалари Ш. Ҳамидова, Т. Дубская, И. Маматова, Ш. Эргашева, педагогика ва бошланғич таълим методикаси факультети сиртқи бўлими студентларининг миннатдорчилик сўзларини ўқидим. Жумладан, корейс тили бўлими мудири Ли Надежда, фалсафа кафедраси доценти Убайдулла Бозоров ва методист-ўқитувчи Шомуҳаммад Рисқуловлар қуйидаги қалб сўзларини ёзиб қолдиришган.

— Кейинги пайтларда соғлиғимиз анча ёмонлашиб қолган эди. Бу ерда эзгу ният билан меҳнат қилаётган, оқ халат кийган саҳоватли, қўли енгил, меҳрибон шифокорларнинг ёрдами билан даво топдик. Биз санаторий-профилакторий бош шифокори Ғуломқодир Солиев, шифокор Галина Машинкова, ҳамширалардан Марғуба Одилова, Лида Малакова, Муҳаббат Аширова кабилардан жуда миннатдормиз.

Хуллас, бу ерда бўлиб, бемор талаба ва ўқитувчиларнинг даволаниши, дам олиш ҳаёти билан танишган ҳар бир кишида яхши таассурот қолади.

Турсунбой СУЛТОНОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика олийгоҳи социализм назарияси кафедрасининг катта ўқитувчиси, СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Муштарийлар илтимосига кўра

Шифоси бор

⊙ Ҳурматли «Тошкент оқшоми» рўзномаси! Агар қиз-жувонлар юзида қора тук ўсиб чиқса, уни йўқотиш мумкинми!

Р. САИДОВА,
Ўзбекистон кўчаси, 19-уйда истиқомат қилувчи.

Оқшомхон Р. Саидованинг бу саволига Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли тиббий-жисмоний тарбия шифохонаси косметология бўлимининг мудираси Дилсоз ҒУЛОМОВА қуйидагича жавоб қайтарди:

— Агар терини доғ қопласа, юзга ҳуснбузар тошса, аъзойи тананинг бирор жойида хол ёки сўгал пайдо бўлса, бундай ҳолда кўплар шифокорга кўринишга ҳижолат чекишади.

Бизнинг шифохонамизда эса, бундай касалликлар заррача озор-оғриқсиз муолажа қилинади. Фақат бугина эмас, киши ўз аъзоларидаги турли ёзувлардан ҳам халос бўлиши мумкин. Баъзи аёлларда эндокрин системасидаги ўзгаришлардан кейин юз ва тананинг очиқ жойларида қора туклар пайдо бўлади. Бундай нуқсонлар ҳар қандай аёлга руҳий таъсир этиб, қаттиқ изтироб беради. Бу хил касалликларни шифохонамизнинг косметология бўлимида малакали шифокор ва косметолог ҳамширалар даволашмоқда. Яна шуни таъкидлаш керакки, ажин тушган ва салқиган юзларни ўз ҳолига қайтариш имкониятларимиз ҳам мавжуд.

Қолаверса, аёлнинг ҳуснига доғ бўлиб тушувчи қора тукнинг уй шароитида ҳам олдини олса бўлади. Бунинг учун юз грамм 3 фоизли водород пероксидга 2 таблетка гидроперит аралаштирилиб, 3 томчи новшадил спирт қўшилади. Бунда ҳосил бўлган эритма билан ҳар куни 2—3 марта тук ўсаётган жойга суртилса, бир неча кун ўтгандан сўнг туклар қуруқ тортиб, оқара бошлайди. Кейинчалик, вақт ўтиб улар ўз-ўзидан тўкилиб кетади.

Бундан ташқари, шифохонамизда шишдан катталашиб юзага қалқиб чиққан қон томирларини ва турли яра-чақалар чиқиш оқибатида қўполлашган териларни ҳам асл ҳолига қайтарса бўлади.

Мўътабар ва муҳтарама опа-сингиллар, агар чиройли бўлай десангиз, бизнинг шифохонамизга тортинмай ёрдам сўраб мурожаат этишингиз мумкин. Ҳар жиҳатдан намунали тиббий хизмат кўрсатишга ваъда берамиз. Бизнинг шифохона Бешёғоч мавзеидаги «9-январь» кўчасига жойлашган.

Суҳбатдош Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

Довженко услуби бўйича

⊙ Ҳурматли редакция! Мен ичкиликбозликни Довженко услуби бўйича даволаш мумкинлиги ҳақида кўп марта эшитганман. Агар имкони бўлса ушбу услуб, унинг моҳияти ва афзалликлари, шаҳримизда ҳам шундай даволаш усули қўлланиладими, шулар ҳақида маълумот берсангиз.

Т. АБДУРАҲМОНОВА.

ФЕОДОСИЯЛИК шифокор Александр Довженко томонидан ишлаб чиқилган ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва чекиш каби иллатларни руҳий таъсир кўрсатиш орқали даволаш юқоридаги зарарли одатлар билан курашда жуда самарали ҳисобланади. Унинг асл моҳияти беморда кучли ички ҳаяжон ҳолатини уйғотиб, бош мияда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва чекишга қарши нафрат ҳиссини вужудга келтиришдан иборат. Бугунги кунда беморларни Довженко услуби бўйича фақат унинг ўзигина эмас, балки шогирдлари ҳам даволамоқдалар.

Хусусан, унинг шогирдларидан бири — харьковлик нарколог-руҳий таъсир кўрсатиш орқали даволовчи В. Добровольский Ўзбекистон ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамиятининг Тошкент вилоят кенгаши таклифига биноан март ойида шаҳримизга келиб, чекиш ва ичишдан фориғ қилиш бўйича сеанслар ўтказди. Даволанишни хоҳловчилар кўплиги сабабли июннинг иккинчи ярмида у шаҳримизга келиб, яна шифо сеансларини ўтказади. Агар даволаниш ниятингиз бўлса, Абдулла Қодирий шоҳ кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамиятининг Тошкент вилоят кенгашига мурожаат қилишингиз мумкин.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Диққат: янги нашр



Ўзбек табобати тарғиботчиси

⊙ Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ойлик илмий оммабоп, безакли жаридаси — «Сиҳат-саломатлик»нинг биринчи сони 1990 йил май ойидан чиқа бошлади.

ТИББИЁТИМИЗНИНГ узоқ йиллик тарихий даври мобайнида Абу Бакр Розий, Абу Али ибн Сино Бухорийдан тортиб, то XIX асрда яшаб ижод этган Жаъфархўжа ибн Насриддинхўжа Ҳазораспий ва Босидхон ибн Зоҳидхон Шошийларгача бўлган юзлаб Ўрта Осиё ва хуросонлик ўзбек табиблари томонидан неча минглаб дардмандлар дардига шифо топилмади-ю, қанчадан-қанча тиббий асарлар битиб қолдирилмади дейсиз. Лекин ўзбек алифбоси «ислоҳ» қилингач, уларни ўқиш айниқса кейинги авлодга насиб этмади.

Ўзбек тилида чиқа бошлаган «Сиҳат-саломатлик» жаридасининг эндиликдаги вазифаси академик Е. И. Чазов айтганидек: «Кўп миллионли мамлакатимиз халқлари миллий маданиятлари, тили ва қадимий анъаналарини тиклашга дадил киришаётган бир пайтда, бу жариданинг чиқиши рамзий маъно касб этади. Бу нашр саҳифаларида қадимий ўзбек тиббиёти дурдоналари ва ҳозирги замон тиббий фани ютуқлари ўз аксини топади». Башорат қилиб айтилган бу сўзлар жариданинг 1-сониданоқ амалга оширилмоқда. Унинг келгусидаги режаларини баён қилувчи «Каломимиз сизга» номли таҳририят мақоласидан бошланади. Асосий мақолаларни эса шартли равишда қуйидаги уч қисмга бўлиш мумкин: 1. Тиббий-назарий мақолалар. Бунга «Халқ соғлиги — юрт бойлиги», «Шарқ табобати» ва «Меросимизни тўплаймиз» каби мақолалар киради. 2. Табобатга оид амалий аҳамиятга эга бўлган мақолалар. Бунга «Боднинг олдини олиш», «Бедаво дард — СПИД ҳақида», «Асллик боиси наслдан» ва «Маккор касаллик» каби мақолалар мисол бўлади. 3. Дори-дармонларга бағишланган мақолалар. Бунга «Шифобахш шарбатлар» ва «Хантал» киради. Булардан ташқари, «Сиҳат-саломатликда «Здоровье», «Фан ва турмуш» каби кўп йиллик тажрибага эга бўлган жаридаларда бўлганидек «Табиб маслаҳати», «Табриклаймиз», «Тиббиёт атамалари», «Маслаҳатхона» каби бурчаклар борки, уларда муштарийлар кўнглидагидек муаммоларни ечадиган, талабларини қондирадиган ихчам, аммо пухта мақолалар анчагина. Жарида муқоваси ва аксарият мақолалар оқ-қора ва рангли тасвирлар билан бежалган. Бу ҳол унинг сийрати билан суратини уйғунлаштиради ва муштарийларнинг сиҳат-саломатликка бўлган қизиқишларини янада орттиради.

Жумҳуриятимиздаги ҳар бир хонадон аъзоларини ўзбек табобати билан таништириш ва сиҳат-саломатлигини сақлашдек олий мақсадни ўз зиммасига вазифа қилиб олган «Сиҳат-саломатлик»ка ойдин йўл тилаймиз.

Ҳамидулла ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

Ичкилик—умр кушандаси

Спиртли ичимликлар инсон аъзон-танига жуда катта зарар етказиб, қуйидаги аъзоларни шикастлайди.

⊙ Сурункали ичадиган одамларда дастлаб меъда ширасининг кислоталилиги ошиб кетади, узоқ муддат (5 йилдан ортиқ) ичиб юрганларда эса меъда шираси камайиб, бутунлай йўқолади. Натижада рак ва сурункали меъда яраси хасталиги бошланади.

⊙ Спиртли ичимлик буйракни ишдан чиқаради, уни бужмайтириб юборади, ўткир яллиғланиши ҳам мумкин.

⊙ Ичкилик нафас йўлларига ёмон таъсир қилиб, ўпканинг қон билан таъминланишини сустлаштиради ва чидамини камайтиради.

⊙ Ичкиликбозлар ҳар хил юқумли (сил, сариқ ва бошқа) касалликларга тез чалинадиган бўлиб қоладилар, чунки спиртли ичимлик аъзои-таннинг бу касалликларга қарши курашиш қобилиятини (кучини) заифлаштириб ташлайди.

Тоҳир РАҲИМОВ.

Тиббиёт қирралари

ИЛИҚ КАФТЛИ ҚЎЛЛАР



БАҲОР аянинг оёғи оғрий бошлади. Ҳаво айниди—аҳвол шунақа. Ая кўрпа-тўшак қилиб ётиб олади. Қадам босгани мажоли йўқ. Бу пайтда ўғли Эшбой жонига оро киради. Доктор чақиради. Дори-дармонга чопади. Ҳамма юмушларни бажаради.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Эшбой қийналгандан эмас, шундай ночор аҳволга тушиб, онасининг тузалмаётганидан ўксиб йиғлайди. Кечалари онасининг оёқларини силаб, муолажа қилади. Бир куни кечки пайт Баҳор ая ўғлининг қўлларидан ёқимли, бошқа иссиқликка қиёслаб бўлмайдиган ҳарорат сезди. Оёқларига жон киргандек бўлди. Бу ҳол бир неча марта такрорлангач, оёқларидаги оғриқ ҳам пасая бошлади. Баҳор ая севинчдан йиғлаб юборди.

— Болам, қўлларинг жуда ҳам иссиқ. Оёқларимга жон кираяпти. Оғриғи ҳам анча камайди, — дея Эшбойнинг бошини силади.

Дори-дармонсиз даво топган ая кўнглида ниманидир сезгандек, ўғлининг қўлларида илғаб бўлмайдиган илоҳий куч борлигига амин бўлди. Шифо топган ая кўча-кўйда ўғлини алқайдиган, дуо ўқиса ўғлига соғлик-омонлик тилайдиган бўлди.

— Ўшанда қўлларимда биоқувват борлигини билмасдим, — дейди Эшбой Авазов. — Тўғриси бундай нарсаларга эътибор ҳам бермасдим. Синглим Ойсоатнинг боши қаттиқ оғриб қолди. Ҳали ёш, ишқилиб бирон бир дардга учрамадимикан, деган хаёлда шифокорга чопдим. Дори-дармон тайинлашди. Муолажа бошланди. Афсуски, нафи сезилмади. Шунда аямнинг гапларига кириб, синглимнинг бошларига қўл теккизмасдан ўзимча даволай бошладим. Ўн-ўн беш минут ўтди чоғи ўшанда, синглимнинг: Ака, бош оғриғим тўхтади, — деган гапидан ҳайратда қолдим.

Ўзимга ишонмасдим. Наҳотки менда шундай хусусият бўлса, деб ўйлардим. Шундан кейин маҳалламиздаги кўпгина одамларни даволай бошладим. Тўғриси, бу даволаш қандай кетаётганини, нима сабабдан одамлар анча енгиллашиб, касалликлари тузалаётганлигини тушунмасдим. Кейинчалик Тошкентда жумҳурият табиатда қувват ва ахборот алмашинуви муаммолари бўйича республика комитети тузилганини эшитгач, шу ерга келдим. Бор гапнинг ҳаммасини айтдим. Синаб кўришди, ҳар хил тажрибалар ўтказишди. Хуллас, қўлларимда кучли биоқувват борлигини, уни тўғри ривожлантириш зарурлигини айтишди. Бу ерда мен жуда кўп нарсаларни ўргандим. Энг асосийси, инсон ҳали мукаммал ўрганилмаганлигига, унинг ноёб ва сирли хислатларга бойлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Ахир, ўн йилликлар давомида табобатимиз биоқувват усулида даволашдан юз ўгириб уни инкор қилиб келди. Ваҳоланки, чет элларда бу усулда инсонни даволаш жуда ҳам кенг ривожланган.

Эшбойнинг сўзларини тинглар эканман, унинг бир эмас, минг маротаба ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Дарҳақиқат, Эшбой Авазов ва у сингари кўплаб экстрасенсларнинг бу сирли даволаш қобилиятлари инсоннинг яна бир муҳим хусусиятини ошкор қиляпти. Шундай экан, табобатимизда бу хусусият эгаларига кенг йўл очишимиз, халқимиз саломатлиги йўлида уларнинг иқтидоридан, даволаш усулларидан самарали фойдаланишимиз зарур.

Рустам РЎЗИМАТОВ.

⊙ СУРАТДА: Эшбой Авазов беморга ҳаётбахш қўллари билан шифо бермоқда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасининг

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ КОНТРОЛЁР-КАССИРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН 4 ОЙЛИК КУРСЛАРИГА

навбатдаги қабулни ўтказади

25 ёшгача бўлган, 8 ва 10-синф ҳажмидаги маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади ва ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар айни пайтда кечки мактабда ёки савдо техникумларида ўқишлари ҳам мумкин.

Ўқишни битирганларга йирик магазинларга ишга йўлланма берилади ва Совет савдоси техникумининг сиртқи бўлимига ўқишга киришлари учун имтиёзли шароит яратиб берилади.

Ўқишлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефон: 55-75-15.

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун

қуйидаги касблар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларни созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун —1 йил, Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Маконимиз: Тошкент шаҳар, Киров райони. Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79). 67э, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.

«СОЮЗТЕАТР»нинг Ўзбекистон бўлими

«РЕЗОНАНС» ТОШКЕНТ ҚЎШИҚ ТЕАТРИ

16 ИЮНЬ СОАТ 20.00 ДА

ТОШКЕНТ ОКРУГ ОФИЦЕРЛАР УЙИ ЗАЛИДА

Наталья Нурмуҳамедова, Равшан Каримов, Нодира Зияхонова, Александр Кузьмин, «Янги авлод» модерн-балети, «Резонанс» қўшиқ театри оркестри иштирокида

ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН КОНЦЕРТ

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-21-20, 33-97-86.

Билетлар Округ офицерлар уйи кассасида ва сайёр кассирлар томонидан сотилади.

ҚОРАСУВ ПАРРАНДА НАСЛЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА АЙНИ КУНДА РАССОМ КЕРАК

Иш ҳақи ҳамда турар жой масаласи келишилган ҳолда ҳал қилинади.

Масканимиз: Тошкент вилояти, Калинин ноҳияси, Қорасув парранда-наслчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси (С. Раҳимов номли метро станциясидан Бўзсув автобусига ўтириб, «Саккиз том» бекатигача борилади).

ГЕОЛОГИК-ИҚТИСОДИЙ ҚИДИРУВЛАР БЎЙИЧА МЕТОДИК ЭКСПЕДИЦИЯСИ

1987 йилда ишлаб чиқарилган

ЕС—7970 ДИСПЛЕЙ СТАНЦИЯСИНИ

СОТАДИ

Мурожаат учун маскан: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-уй, Телефон 44-08-18.

Советлар мамлакатида

⊙ ПЕРМЬ. Вилоятдаги кўпгина меҳнат коллективлари Белоруссиянинг Чернобиль авариясидан зарарланган районлари болаларини ёзда дам олишга таклиф қилишди. Икки мингдан зиёд бола пионер лагерларида икки смена давомида соғлиқларини яхшилаш учун келади. Кўпгина боғдорчилик-полизчилик ширкатлари эса болаларни ўзлари етиштирган мева ва сабзавотлар билан таъминлаб туришга аҳд қилишди. Бир қанча саёҳат бюролари ёш меҳмонларни ўлканинг диққатга сазовор жойлари билан таништиришни ўз зиммаларига олдилар.

⊙ ЗАКАТАЛИ (Озарбайжон ССР). Закатали эфир мойи совхоз-заводининг атиргул плантацияларида хушбўй ҳосил терими бошланди. Теримчилар нозик япроқларни эрталабки қуёш нурлари улардаги шудрингни буғлантириб юбормасидан олдин узиб оладилар. Бундай хом ашё атиргул мойи ишлаб чиқариш учун айниқса қимматлидир. Катта Кавказ тоғ этакларида асосан гулнинг «Кримская красная» нави етиштирилади. Бу нав 115 гектар ерни эгаллаган, лекин кейинги пайтларда серҳосил ва касалликларга чидамли «Радуга» нави экилган майдонлар ҳам кенгайтирилди. Узилган япроқлар дарҳол қайта ишлаш учун бу ерга яқин жойлашган заводга жўнатилади.

⊙ БРАИЛОВ (Винница вилояти). Петр Ильич Чайковский истеъдодининг ашаддий мухлиси бўлган Н. Ф. Фон Меккнинг собиқ қўрғонида буюк рус композиторининг музейи очилди. Петр Ильич бу ерда 1878 — 1880 йилларда бир неча маротаба бўлган. У ўзининг кўпгина машҳур асарларини Браиловда яратган. Музейда ўша даврдаги меҳмонхона, кабинет тикланган. Бу хоналарда китоблар, мактублар, ҳужжатлар, Надежда Филаретовнанинг белгилари бор ноталар тўпланган. Бу ерда композитор ижод қилган фортепьяно ҳам бор.

⊙ МИНСК. Бу ерда БССР ҳуқуқшунослар уюшмасининг таъсис съезди ниҳоясига етди. Делегатлар янги уюшманинг низомини қабул қилдилар, раҳбар органларни сайладилар, унинг фаолияти асосий йўналишларини белгилаб олдилар. Ташкилотнинг асосий вазифалари ҳуқуқий давлатни барпо этишда фаол қатнашишдан, жумҳурият ҳокимият олий органлари билан биргаликда жумҳурият процессуал қонунларини ривожлантиришдан, ҳуқуқшунослар малакасини оширишдан ва ҳуқуқшунослик билимларини кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

⊙ РИГА. Буюк Британиядаги «Аутодеск ЛТД» фирмаси билан Рига техника университети ташкил қилган кўргазма халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга даъват этувчи ишончли ташвиқот бўлди. Унда намойиш этилган инженер меҳнатини автоматлаштириш учун режали таъминлаш комплектлари турли тармоқларда — кийим-кечак моделларини ўйлаб топишдан тортиб, ниҳоятда мураккаб техникани яратишгача бўлган ишларда маҳсулот сифатини кескин яхшилаш имконини беради.

⊙ БЕЙЛАГАН (Озарбайжон ССР). Жумҳуриятда кузги буғдой ва арпа ўриб олина бошланди. Даштдаги хўжаликларнинг айрим жойларидаги ғалла ўриб олинганида ўртача 40 центнер ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олинди. Озарбайжонлик селекционерлар сўнгги йилларда етиштирган маълум районлар учун мосланган буғдой навлари жумҳуриятнинг бир қанча хўжаликларида гектаридан 50 центнергача ҳосил беряпти. Жумҳурият ғаллакорлари деярли ярим миллион гектар майдонга экилган кузги буғдой ва арпани ўриб олишлари керак бўлади.

(ТАСС мухбирларининг хабарларидан)

ИТАЛИЯ '90

ЭНГ КЕКСА ВА ЁШ ЖАМОАЛАР

⊙ БИРИНЧИЛИКДАГИ энг ёши улуғ команда — ирландияликлар жамоаси ҳисобланади. Уларнинг 22 ўйинчисининг умумий ёшини қўшганда 630 йилни ташкил этади. Яъни, бу ўртача 28,6 га тўғри келади. Иккинчи ўринда эса Ватанимиз футболчилари — уларнинг умумий ёшлари 619 дадир. Бунда ўртача кўрсаткич 28,1 га тенг. АҚШ футболчиларининг ёшлари эса 520 йилни ташкил қилади ва бу 23,6 га тенг бўлиб, улар биринчиликнинг энг «ёш» жамоасидир.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҲАЗИЛИ

⊙ ФИФА президенти Ж. Авеланж яқинда шундай деди: «Мухлислар стадионга чиройли ўйинларни кўриш учун келадилар. Агарда ким куч ишлатиладиган беллашувларни кўриш ниятида бўлса, у боксни томоша қилсин. Ҳакамларнинг вазифаси эса яшил майдондаги қўполликни йўқотишдир. Улар қўполликка қарши курашда даллик қилмасалар дарҳол уйларига жўнайдилар». Сўнг эса: «Турнир охиригача бирорта ҳакам қолмаса, финал ўйинини ўзим бошқараман», деб ҳазиллашиб ҳам қўйди.

«ФОЙДАЛИ» БИРИНЧИЛИК

⊙ БУ йилги жаҳон биринчилигидан тушадиган соф фойда 50 миллиард итальян лирасини ташкил этиши кутилмоқда. Бу Испаниядагидан тўрт ярим баравар, Мексикадаги биринчиликдан эса уч баравар ортиқдир.

ҚАЕРГА ҚАРАМАНГ, «ИТАЛИЯЛИК»ЛАР

⊙ ЖАҲОНДАГИ энг кучли мамлакат футбол биринчилиги Италияда ўтишини ишқибозлар яхши билишади. Яъни, дунёдаги деярли барча футбол юлдузлари Италиянинг бой клубларида тўп суришади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра турли терма командаларда 31 «италиялик» футболчи (Италия биринчилигида иштирок этган бошқа мамлакат ўйинчилари) фаолият кўрсатар экан. Мана буни рекорд деса бўлади.

«ШОГИРДЛАРИМ УЗИМДАН КУЧЛИ»

⊙ ГФР терма командасининг бош тренери Ф. Беккенбауэрнинг фикрича, ҳозирги Ғарбий Германия терма командаси 1974 йили жаҳон чемпиони бўлганидан кўра кучлироқ. Қизиғи шундаки, у бундан 16 йил олдин ўша ғолиб команданинг капитани эди. Беккенбауэрнинг қанчалик ҳақлигини биринчилик якуни кўрсатади.



⊙ ТЎП УЧУН КУРАШ. Р. Шарипов сурат лавҳаси.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

ЯҚИНДА Чимён тоғининг ёнбағирларида тоққа чиқиш техникаси бўйича Тошкент вилояти туризм ва экскурсиялар кенгаши қошидаги туристлар клуби ташкил этган шаҳар мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақаларда «Алгоритм», «Спецполимердренаж» заводлари, «Ташметрострой» корхонаси, Тошкент политехника институти ва шаҳар туристлар клубининг командалари қатнашди.

Биринчи ўринни «Алгоритм» заводи жамоаси, иккинчи ўринни «Спецполимердренаж» ва учинчи ўринни «Ташметрострой» жамоалари эгаллади. Ғолибларга Тошкент туристлар клубининг совринлари топширилди.

Е. КИМ.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳудудидаги барча бошқармалар, ташкилотлар, корхона ва муассасалар раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошидаги атамалар комиссияси

Низомига кўра барча турдаги корхоналар, идоралар, ташкилот ва муассасалар қайси министрликка қарашли эканлигидан қатъий назар улар жойлашган биноларининг ташқи бадиий безаклари, оддий ва электр ҳамда газлаштирилган эълон, лавҳа ёзувларини ўрнатиш ишлари шаҳар Атамалар комиссияси ҳамда шаҳар Бош рассоми билан келишилган ҳолда амалга оширилиши шарт. Шунингдек, «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида Қонуни» 24-моддасига кўра барча жой номлари миллий шаклда берилиб, ягона давлат тили ҳақида ёзилиши лозим. Мазкур кўрсатманинг бажарилиши юзасидан ҳар бир раҳбар ўз қўл остидаги ташкилот учун жавобгар эканлиги давлат тили ҳақидаги Қонуннинг 28-моддасида таъкидланган.

Шаҳар Атамалар комиссияси Қонуннинг 24-моддаси бўйича район, шаҳар миқёсида иш юритувчи ҳар бир бошқарма, ташкилот, муассаса раҳбаридан маълумот олишга ҳамда мазкур модда бўйича кўрсатма беришга шунингдек, ўз хулоса ва таклифларини Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига тақдим этишга тамоман ҳақлидир.

Шаҳар Атамалар комиссияси Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида Қонунининг амалда тадбиқ этилиши юзасидан шу йил 25 июндан бошлаб жумҳурият телевидениеси ва радиосининг Тошкент бўлими, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ходимлари билан биргаликда мунтазам равишда рейдлар ўтказиб боради. Мазкур эълон юзасидан қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:
39-05-67, 33-35-14.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА УҚИТИШ ВА КАСБГА ИЎЛЛАШ МАРКАЗИ

Госкомтруд УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТЮМЕНЬ ВИЛОЯТИДАГИ НЯГАН ШАҲРИГА: ишбошилар, омилкор усталар, ҳуқуқшунос, электр пайвандчилари, бўёқчилар, монтажчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, ҳайдовчилар.

Трест ходимларига қуйидаги имтиёзлар берилади: Тошкентда доимий яшовчи шахслар ва турар жойга эҳтиёжи бўлганлар белгиланган тартибда турар жой қурилиш ширкатига қабул қилинадилар ҳамда уй олиш учун ҳисобга олинади; трестга ишга сафарбар қилинганларнинг республика сарҳадларидаги турар жой майдони уларнинг бу ташкилотда ишлайдиган бутун даврига бронлаштириб қўйилади.

Ишлашга борадиганларга лавозимдаги маошига қўшимча 1,7 район коэффициенти ва бир кеча кундузга 4 сўм 50 тийин ҳисобидан сафарбарлик харажатлари тўланади.

Маълумотлар ва ишга йўлланмалар олиш учун Фрунзе район ишга жойлаштириш бўлимига — Ш. Руставели кўчаси, 87-уйга мурожаат қилинсин.

«УСАРФИЛЬМ» МУАЛЛИФ БИРЛАШМАСИ

«ЧИЛЛА» КИНОФИЛЬМИДА СУРАТГА ТУШИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

«Усарфильм» 1991 йили Арабистон, Туркия, АҚШ ва Япония киностудиялари билан ҳамкорликда «Чилла» номли 2 серияли ҳужжатли бадиий-фантастик кинофильмни суратга олиш орзусида дастлабки тайёргарлик ишларини бошлади. **Шу муносабат билан ислом дини тарихини, Қуръони каримдаги оятларни, араб алифбосини пухта биладиган, ибодатни канда қилмайдиган, ўзбек халқ эртакларини ва фантастикасини жону дилидан севадиган, ғойибдан биладиган ва олис масофани кўриб башорат қиладиган кишиларни, узоққа фикр узатадиган ва узоқдан фикр қабул қиладиган телепатларни, ҳайвонларга руҳий таъсир ўтказадиган ёки буюмларга телекинетик таъсир берадиган одамларни, дарёларни тескари оқизувчи, ёмғир ёғдирувчи ва ёмғирни тўхтатувчи ноёб истеъдодли инсонларни, табибларни, ромчиларни, фолбинларни, жодугарларни, синиқчиларни, чиққан аъзоларни солувчиларни, беморга дам солувчиларни, нигоҳининг кучи билан даволовчиларни, доривор ўсимликлардан дори тайёрловчиларни, экстрасенсларни, кинначиларни, гипнозчиларни, сугестологларни, кўз ўнгида ғойиб бўлиб кетувчи кишиларни, ўзга сайёраликлар билан мулоқотда бўлганларни, полтергейст ҳодисасининг сабабчиларини, иштирокчиларни ва гувоҳларини, афсунгарларни ва илмиамални, сеҳру жодуни, жинни, арвоҳни, зиённи, иссиқ-совуқни, киннани, кўз тегишини, инсу жинсларни дуо ўқиб қайтарадиган, йўллари боғлаб ташланган кишиларнинг йўлларини дуо ўқиш билан очиб юборадиган нодир инсонларни, ўтиб кетган аждодларимизнинг руҳлари билан гаплашадиган кишиларни, чилёсин ўқийдиган имомларни ва бахшиларни, дуо ўқиб буюмларни юқорига кўтарадиган ва ўрнидан қўзғатадиган кишиларни «Чилла» кинофильмида суратга тушмоқ учун «Усарфильм»га ташриф буюришларини, телефон қилишларини ёки мактуб йўллашларини туну кун иқтиқ бўлиб кутамиз...**

Сценарий муаллифи — **Рустам Обид.**
Саҳналаштирувчи кинорежиссёр — **Саид Ўсар Бек.**
Продюссер — **Мирза Карим Нор Бек.**
Илмий маслаҳатчи — **Маҳмуд Ҳасаний.**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй. (Техника уйи, Метронинг «Октябрь инқилоби» бекати). **Телефон: 32-01-29.** Навбатчилик туну кун.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

16-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Якка буюртмаларни тикувчилар, кенг профилдаги сартарошлар, қандолатчилар, ошпазлар, холодильник тузатиш слесарлари, озиқ-овқат моллари сотувчилари, умумий овқатланиш кассир-контролёри.

Билим юртига 9—11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ёшли ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—1,5 —3 йил.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиғи ҳақида справка, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, таржимаи ҳоли, характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юрти адреси: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, 1/2 Қора-Ҳамиш массиви, 20-уй (42, 43э, 56, 93-автобуслар, 19, 27-трамвайларнинг «Мактаб», 7, 10-троллейбусларнинг охирги «1/4-Қорақамиш» массиви, 82-автобуснинг «1/4-Қорақамиш» массиви бекатлари).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

ТАШЭКС БИРЛАШМАСИ

малакали ишчи-кадрлар тайёрловчи

17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

9-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 3 йил);
кенг профилдаги станокчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари, токарь, электргаз пайвандчиси, кўприкли кранларнинг машинисти, механика-йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

11-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 1 йил):
кенг профилдаги станокчи, электр-газ пайвандчи, ремонт ишлари слесари, йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

9-синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга бепул кўчалик ва ишчи киймлари ва 2 маҳал иссиқ овқат, 11-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар эса 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Махсус группа ўқувчилари практикасини ва кейинчалик армия хизматини Ўзбекистонда, ТуркВО қўмондонлигининг авторемонт корхона ва ҳарбий қисмларида ўтайдилар.

Билим юрти аълочилари имтиёзли шартлар асосида олий ўқув юртларига ўқишга юбориладилар.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ДОСААФнинг автомобиль курсларига йўлланма берилади ва автомобиль транспорти «С» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномаси оладилар.

Билим юртида вокаль-чолғу ансамбли ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқув кабинетлари видеомагнитофон қурилмалари ва бошқа замонавий талаб асосида жиҳозланган қурилмаларга эга.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, саломатлик ҳақидаги справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Содиқов кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 68-68-74, 68-67-09.

Транспорт: 4, 5, 24-троллейбусларнинг «СПТУ-17»; 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекатлари.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

18-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электр-газ пайвандчи, токарь, рақамли программа билан ишловчи станокларнинг бошқарувчилари, қолипловчи, механик-йиғув ишлари слесари.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 9-синфни тамомлаган ўқувчилар учун 3 йил ва 11-синфни тамомлаган ўқувчилар учун 1 йил.

3 йил ўқиш муддатига қабул қилинган ўқувчилар бепул иссиқ овқат ва махсус кийим билан таъминланадилар.

Билим юртига қабул қилинганлар ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат қилиб топган маошларининг 50 фоизини оладилар.

Билим юртимизда спорт комплекси, техника ва мусиқа тўгараклари бор.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аълочилари имтиёзли шартлар асосида ўқув юртларига ўқишга кириш учун йўлланма оладилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, медицина справкаси 6 дона фотосурат (3х4) см., характеристика, турар жойидан справка.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Машғулотлар 1990 йил 1 сентябрдан бошланади.

Бизнинг манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ш. Руставели кўчаси 57-уй, 2, 3, 35, 50, 54-автобуслар; 7, 9, 11, 28, 24-трамвайлар; 2, 6, 13, 14, 16-троллейбусларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати).

Телефонлар: 53-95-26, 53-95-23, 53-95-21.

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси

26-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Чинни шаклини тайёрловчи, чиннини механик усулда безовчи, чиннига шакл берувчи, чиннини терувчи, чиннини пиширишга тайёрловчи, автомат станокларда ишловчи оператор.

Юқоридаги касблар бўйича ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқишга 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган хотин-қизлар ҳамда ҳарбий хизматни тугаллаган йигитлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар 85 сўм стипендия билан таъминланади.

Қўшимча ишлаб чиқариш вақтидаги иш ҳақи тўлиқ берилади.

Шунингдек, ўрта мактабнинг 9—11 синфини тугаллаган ёшлар қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Заргарлик, чиннига шакл берувчи.

Ушбу касблар бўйича ўқиш муддати 9-синфни тугатганларга 2 йил, 11-синфни тугатганларга 1 йил.

Чиннини сараловчи, чиннига зарҳал берувчи.

Ушбу касблар бўйича ўқиш муддати 9-синфни тугаллаганларга 3 йил, 11-синфни тугаллаганларга 1 йил.

2-3 йиллик муддатга ўқишга қабул қилинганлар бепул кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

1 йиллик муддатга ўқишга қабул қилинганлар 45 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишга қабул қилинганлар қўшимча ишлаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртида заргарлик ҳунарини эгаллаган ўқувчилар Тошкент заргарлик заводига, чиникорлик ҳунарини эгаллаган ўқувчилар Тошкент чинни заводига ишга жойлаштирилади.

Билим юртига ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг Тошкент ва Қалинин районида яшовчи йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юртига ўқишга қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см), таржиман ҳоли, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти қўнимгоҳи: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-боши берк кўча, Телефонлар: 40-30-36, 40-30-38. (100, 166, 76, 59-автобусларнинг «Кўш тут» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

49-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Муассасалараро экспериментал бирлашманинг

ТЕХНИКУМ-БИЛИМ ЮРТИ

Янги ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚАНДОЛАТЧИ, ОШПАЗ-ҚАНДОЛАТЧИ, КАРАМЕЛЧИ, КОНФЕТЧИ, СОТУВЧИ, НАЗОРАТЧИ-КАССИР.

Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги 9—11 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 9-синфни тамомлаган йигит ва қизлар учун — 3 йил, 11-синф ҳажмида маълумотлилар учун — 1 йил.

3 йил ўқийдиган ўқувчилар стипендия ва кийим-кечан билан таъминланадилар.

1 йил ўқийдиган ўқувчилар 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

3 йиллик курсларни битирувчиларга мутахассислиги бўйича диплом ва ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома берилади. 1 йиллик курсларни битирувчиларга эса мутахассислиги бўйича диплом берилади.

Билим юрти ўқувчилари ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юрти битирувчилари Тошкент булка-қандолат комбинатига, «Ўртоқ» қандолат фабрикасига, Тошкент сабзавот савдо бирлашмасига, Тошкент ва Наримонов шаҳри ошхоналари трестларига ишга юбориладилар.

Билим юртини «4» ва «5» баҳоларга тамомлаган ўқувчиларга йўлланма Тошкент Совет савдоси техникумига (қисқартирилган программа бўйича ўқитиладиган группаларга), шунингдек, олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзли йўлланмалар берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка, 6 та фотосурат (3х4 см).

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: 700080,Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси, 3-уй. (68, 15, 45, 23, 171, 183, 177, 154-автобуслар, 5-трамвайнинг «5-Қўйлиқ» бекати). Телефон 90-36-69.

ТЎЙЛАР МУБОРАК!

Тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган ва замонавий репертуарларга эга бўлган Авиасозлар маданият саройининг

«САМО» АНСАМБЛИ

бахт ва шодлик оқшомини кўнгилдагидек ўтказишда

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

Ансамблни кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага таклиф қилишингиз мумкин.

Буюртмалар олдиндан ҳар куни соат 16.00 дан маданият саройининг 2-қават, 90-хонасида қабул қилинади.

Манзилимиз: Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, Авиасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 151, 54, 6-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати. Метронинг «Чкалов» станцияси). Телефон: 96-55-81.

„ЭЛЕКТРОНИКА"

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Агар Сиз доимо соғлом ва кўркам кўринишни истасангиз, қадам ҳисоблагич ва пульсметр спорт нагрузкаси ўлчамлашга ёрдам беради.

Сиз бу буюмларни «Электроника» фирмали магазинидан харид қилишингиз мумкин.

Қадам ҳисоблагичнинг баҳоси — 28 сўм;
пульсметрники эса — 85 сўм.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси 38-уй.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-78-34.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/VI да **Спартак**, 16/VI да **Масхарабозлар**, 17/VI да **Раймонда.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/VI да **Келинлар кўзголони**, 16/VI да **Жар**, 17/VI да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома** (премьера).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 15/VI да **Олтин тўй**, 16/VI да **Муҳаббат навоси**, 17/VI да **Мушкул савдо.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/VI да **Лаҳма куёв** (премьера).

КИНО

15 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Нукус — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ФИДОИЙ» (тоқ соатларда).
Дружба — «ҲОКИМНИНГ СОЯСИ» (тоқ соатларда); «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (жуфт соатларда).
Москва — «ФИДОИЙ» (тоқ соатларда ва 20.40. да).
Восток — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (17.30, 20.40).
Фестиваль (ёзги) — «ФИДОИЙ» (21.00).

16, 17 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Нукус — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ФИДОИЙ» (тоқ соатларда).
Дружба — «ҲОКИМНИНГ СОЯСИ» (тоқ соатларда), «АВАРИЯ»—ХИТНИНГ ҚИЗИ» (жуфт соатларда).
Москва — «ФИДОИЙ» (тоқ соатларда ва 20.40. да).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «ИНТЕРҚИЗ» (11, 14, 16, 17, 20.00).
Восток — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (11, 14, 10, 17.30, 20.40).
Фестиваль (ёзги) —«ФИДОИЙ» (21.00).

МУТАХАССИСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ташкнига» шаҳар китоб савдоси идорасига қарашли 28-«ДРУЖБА» МАГАЗИНИ Зигмунд Фрейднинг **«Жинсий ҳаёт психологияси очерклари»** китобини

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Баҳоси — 6 сўм 20 тийин.

ВЛКСМ ёшлар комитети қошидаги «Система» ёшлар маркази. Москва нашриёти. 1989 йил.

Магазин маскани: Тошкент шаҳри, Ленин шоҳкўчаси, 40-уй.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 56-44-40.

ДИҚҚАТ!

Иссиқлик қувурини қайта ётқизиш билан боғлиқ қўшимча ишлар олиб борилиши муносабати билан Чилонзор ноҳиясидаги Гэсовская кўчасида

24 ИЮНГАЧА

ИССИҚ СУВ БЎЛМАЙДИ

33-32-32 телефон бўйича қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

Тошкент иссиқлик тармоғи корхонаси.

Тошкент шаҳар Октябрь райониди У. Юсупов номли 132-ўрта мактаб томонидан **Ҳусанов Шуҳрат Шокирович** номига берилган 297417 номерли йўқолган

САККИЗИНЧИ СИНФНИ БИТИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги кооператив давлат комитети «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси I тоифали технолог-муҳандис Т. Ш. Дўсматовага онаси **Тожихон ЭГАМБЕРДИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Октябрь ноҳияси озиқ-овқат савдо ташкилоти маъмурияти 46-дўкон мудири Ш. Умаровга онаси **Замира ЛУТФУЛЛАЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 10092.
140.390 нусхада чоп этилади. **Индекс 64690. Д—2201.**
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.